



2020 у.г. «16» ноябр

№ 482 -Қ

Оқдарьо т., - р.Ақдарья

Туман ҳокимнинг 2018 йил 28 ноябр кунги “Фуқаро Пардаева Чаросга мактабгача таълим муассасаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”ги 3395-Қ-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 251-сонли “Давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасарруф этишни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, фуқаро Пардаева Чароснинг туман ҳокими номига “Ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш тўғрисида”ги аризаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуқаро Пардаева Чароснинг “Туман ҳокимининг 2019 йил 14 май куни Узунқишлоқ маҳалласи Холдор қишлоғи ҳудудидан “Мактабгача таълим муассасаси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”ги 3395-Қ-сонли қарорини бекор қилш тўғрисидаги мурожаати инобатга олинсин.
2. Туман ҳокимининг 2019 йил 14 май кунги 3395-Қ сонли қарори бекор қилинсин ва 0,35 га ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилсин.
3. Туман қурилиш бўлими бошлиғи (Ж.Абдуллаев)га туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган ер майдонини келгусида мақсадли фойдаланиш учун ажратилиши юзасидан тегишли таклиф киритиш вазифаси топширилсин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ф.Абилов